



ТОШКЕНТ ОЖШОМИ



XXI сағоси
Барча манбалардан
олинган сўйгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Иккинчи чақирқч Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессияси олдидан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан навбатдаги мулоқотни Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси, Агроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раҳбарлари ҳамда ана шу кўмита томонидан сессия кун тартибига киритилаётган масалаларга бевосита дахлдор ташкилотлар, муассасалар ва идораларнинг вакиллари ўтказдилар.

• Олий Мажлисда «Хотин-қизлар ва болалар нашрлари, телевидение ва радио дастурларида оналик ва болалик мавзўсининг акс эттирилиши» мавзўида семинар-кеңаш бўлиб ўтди.

• Олий Мажлисининг VI сессияси олдидан Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси, республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Қонулар муҳокамаси: юксак маънавийлик ва ҳўқуқий маданият» мавзўида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.

• Узбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида» ги масала кўриб чиқилди.

• Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги оромгоҳда мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб вилоят ёшлари кўни бўлиб ўтди.

• Тошкент вилоятининг «Ийк-ота» ҳўжалигида болалар ногиронлиги муаммоларига бағишланган VI халқаро семинар ҳамда «Мафункор ранглар дунёси» мавзўида ногирон болаларнинг халқаро бадий кўрик-танлов бўлиб ўтди.

• Наманган вилоятида гўёвандлик ва чекишга қарши кураш ойлиги ўтказилди.

• Фарғона вилояти судида мамлакатимиз конституциявий тузумига таъвоуз қилиш ҳамда жамоат ҳавфсизлиги ва тартибига қарши бoшқа бир қанча жиноятларда айбланган бир гуруҳ шахслар ўстидан боланган суд якунланди. Фарғона ва Андижон вилоятларида янвoчи олти кишининг ҳаммаси жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ шарти билан узoқ муддатли қамoқ жазосига ҳўкм қилинди.

• Фарғонадаги «Истиклол» теннис мажмуида теннис бўйича Узбекистон Кубоги беллашувларининг учинчи саралаш бoсқичи якунланди.

Жаҳонда

• Бугун Хиндистон халқи мамлакат Мустақиллигининг 54 йиллигини нишонламоқда.

• Эртага Қоҳирада Араб давлатларининг раҳбарлари Фаластин хуудидидаги вазиятга бағишланган фавуқулда кенаш куни бўлиб ўтди.

• Утган кечаси Исроил танклари Фаластиннинг Иордан дарёси қарбий қирғоғидаги Жинин шаҳрига бoстириб кирди. «17-отряд» деб аталмиш гвардия постлари ва полиция маҳкамаси ўққа тутилди. Ҳаммаси бўлиб шаҳарга 40 дан зиёд танк ва юзлаб аскарлар кирган. Фаластинликлар билан тўқнашув юз берган. Аҳоли ўртасида жароҳат олганлар бор. Орадан бир неча соат ўтиб, Исроил танклари шаҳарни тарк этган.

• Македония ташқи ишлар вазири Илина Митрева можабори хал этишда кескин чоралар кўриш ўчун БМТ, НАТО ва Европа Иттифоқи каби нуфузли халқаро ташкилотларга очқ мактуб орқали мувожазат этди.

• Кеча Покистонда Мустақиллик кўнининг 54 йиллик санаси нишонланди. Байрам пайтида мамлакатнинг ҳарбий раҳбари генерал Парвез Мушарраф демократияга ўтиш санасини эълон қилди. Генерал келгуси йилнинг октябр ойида ялли сайловлар ўтказилишига ваъда берди.

• Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ҳарбий самолётларидан иборат Иттифоқ қўшинлари Ирoқ жанубидаги ракета хужумидан мудофаа истехомларини ўққа тутилди.

• Сентябр ойида Беларусда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига турли сийёсий партиялар ўз номзодларини кўрсата бошлади. Ҳозирча тўрт нафар киши, жумладан амалдаги Президент Александр Лукашенко президентликка номзод сифатида рўйхатга олинмиш мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, ушбу сайловларга халқаро кузатувчиларнинг тақлиф этилмаганлиги АҚШ ҳўкумати томонидан танқид қилинди.

• Бугун Остонада Қозогистоннинг собиқ Бош вазири, ҳозирги пайтда АҚШда турган А.Қажакелдин устидан очқ олд жаравни бошланди. У ўз ваколатларини ошириш, пора олиш, ўқ отар курулларини бериш ва мамлакат ҳўкуматида раҳбарлик пайтида бошқа қатор жиноятлар содир этганлигида айбланмоқда.

• Кеча Абхазияда грузин -абхаз можабори бошланганининг санаси тўққизинчи марта нишонланди.

• Хитой полицияси мамлакатда фаолият олиб борган йирик интернет фирибгарларини қўлга олди. Улар шахсий компьютерлари бор фуқороларни алдаш йўли билан кўнига 120 минг доллардан зиёд даромад қилишган. Ва шу кўнгача 28,25 миллион доллардан ортиқ маблағ топишган.

• Эроннинг шимолий-шарқида рўй берган сув тошқинлари натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлган. Ҳарбий вертолётлар дом-дараксиз йўқолганлар қидирувини давом эттирмоқда. Мамлакат Президенти Муҳаммад Хотамий ҳўкуматни табиий офат оқибатларини енгиллаштириш ўчун барча имкониятлардан оқилона фойдаланишига қачирди.

• Колумбияда сайёҳлар тушган автобуснинг ҳалокатга учраши оқибатида 23 киши ҳаётдан қўз юмди, 10 дан зиёд киши жароҳатланди.

• Кеча Иландия республика армияси курулсизланиш бўйича ўз ташаббусини бекор қилди. Мазлумки, ушбу ташаббус схемаси ўтган ҳафтада халқаро воситачилар билан келишилган эди.

• Бугун Брюсселда НАТОга аъзо мамлакатлар вакиллари албан исёнчиларини курулсизлантириш юзасидан назоратни олиб борадиган тинчликни ўрнатувчи кўчларнинг Македонияга жўнатилиши мuddати ҳаққида масалани кўриб чиқдилар.

• Олинган хабарларга қараганда, Толибонлар ҳўкумати насронийликка ўқитилаётган 65 болани озод этган. Бирок уларнинг ота-оналари ҳозирча ҳибсда ушланмоқда. Мамлакатда насронийликни тартиб қилиш билан шуғулланган 16 нафар афғонистонлик шариат суди олдида жавоб беради. Айблари тасдиқланган тақдирда улар ўлимга ҳўкм қилинишлари мумкин.

• Грознийдаги Старопромислов туманида шаҳар ҳарбий комендантрасига тегишли БТР машинаси портловчи моддага йўлиқди ва натижада 6 ҳарбий ҳалок бўлди, 6 таси жароҳатланди.

• Бугун Брюсселда НАТОга аъзо мамлакатлар вакиллари албан исёнчиларини курулсизлантириш юзасидан назоратни олиб борадиган тинчликни ўрнатувчи кўчларнинг Македонияга жўнатилиши мuddати ҳаққида масалани кўриб чиқдилар.

• Олинган хабарларга қараганда, Толибонлар ҳўкумати насронийликка ўқитилаётган 65 болани озод этган. Бирок уларнинг ота-оналари ҳозирча ҳибсда ушланмоқда. Мамлакатда насронийликни тартиб қилиш билан шуғулланган 16 нафар афғонистонлик шариат суди олдида жавоб беради. Айблари тасдиқланган тақдирда улар ўлимга ҳўкм қилинишлари мумкин.

• Грознийдаги Старопромислов туманида шаҳар ҳарбий комендантрасига тегишли БТР машинаси портловчи моддага йўлиқди ва натижада 6 ҳарбий ҳалок бўлди, 6 таси жароҳатланди.

«БИЗ — «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАГИМИЗ»

Қизиқарли мулоқот

«Футболимиз келажаги» Кубоги республика мусобақаларини дастлаб «Биз — «Пахтакор» келажагимиз» номи билан Тошкентда ўтказиш мўължалланган эди. Лекин ушбу қизиқарли мусобақа «канот Ёзиб» бутун республика хуудиди тарқалди. Натижада ўтган йилги мусобақаларда 201 та туман, шаҳарларда жойлашган 8052 та маҳалларда 14 ёшгача бўлган болалардан 6653 та жамоа тўзилиб, унда 100951 нафар футболнинг ёш ихлосмандлари иштирок этди.

Бу йил мусобақаларда 9-11, 12-14 ва 15-16 ёшдаги болалар иштирок этмоқда. Қатнашчи жамоалар ва ўйинчиларнинг сони ҳам сезиларли даражада ошди.

Узбекистон Миллий матбуот марказида «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг ташкилотчилари ва журналистлар ўртасида ўтказилган мулоқот ҳам нихоятда қизиқарли кечди.

— Юртбошимиз гоьлари асосида ташкил этилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақалари ўтган бир йилнинг ўзидаёқ ўзининг бир қанча ютуқли томонларини кўрсата олди. — деди жумладан Узбекистон Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жағмарасининг расиси Шўхрат Жалилов. — Футбол воситасида болалар юра-

тга йўл олди. Утган йилги мусобақаларда ўз иктидорларини намoён қилган қирқдан ортиқ болаларни танлаб спорт мактабларига тавсия қилдик. Бу йил бундай болаларнинг сони янада кўпаяди. Келгусида улар орасидан санoқчилари бўлса-да футбол юлдузлари даражасига кўтарилиб, юртимиз спортни галабаларига ўз хиссасини қўшади деган умиддамиз.

Мулоқотда футбол федерациясининг бўлим бошлиғи Мухтор Ҳошимов, «Ёшлар» телеканали «Давр» ахборот дастуридан Фуруқат Зокировлар болалар мусобақаларининг моҳияти, уни янада оммалаштириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

(Ўз мухбиримиз).

ВОҚЕА АРАФАСИДА



Фестиваль ёғдуси

ЭРТАГА

Узбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» республика фестивали доирасида Тошкент шаҳри кўргазмаси очилади.

Мазлумки, мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Узбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, Узбекистон Бадий академияси ҳамда жойлардаги ҳокимликларнинг ташаббуси асосида уюштирилаётган бундай кўргазмалар истиқлол йилла-

рида турли соҳаларда юз берган бекиёс ўзгаришларнинг ўзига хос намойишига айланмоқда. Мана энди навбат давлатимизнинг гўзал пойтахтига ҳам келди. Уч кун давом этадиган ана шу фестиваль пайтида Тошкент шаҳрида мустақиллик йилларида иқтисодиёт, архитектура ва шаҳарсозлик, маданият, фан соҳасида қўлга кири-

10 йил Шунингдек Ватан — барчамизники!

БЕКТЕМИР тумани КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

тилган ютуқлар кўз-кўз қилинади. Кейинги ўн йил ичида Тошкент архитектура ва шаҳарсозликнинг йирик марказларидан бирига айланди. Бу соҳада эришилган ютуқлар тўғрисида «Тошкент: кеча, бугун, эртага» деб номланувчи экспозициялар хикоя қилади.

Тошкент ҳамма вақт республикада йирик иқтисодий марказ бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Мустақиллик йилларида халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги алоқалар янада фаоллашди. Хориж инвестициялари Департаменти экспозициялари ана шундан яққол далилат беради.

Мустақиллик йилларида пойтахтда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди. Бинобарин, кейинги ўн йил ичида Тошкент шаҳри индустриясининг ривожига кичик ва ўрта бизнеснинг тутган ўрни гoят салмоқлидир. Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнес вакиллари экспозицияларини тақдим этмоқда.

Сўнгги ўн йил ичида Тошкентда фан соҳасида қўлга киритилган ютуқлар гoят салмоқлидир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, Тошкент Марказий Осиё минтақасида йирик маданий марказ бўлиб қолмоқда. Кўргазманинг тасвирий санъат ва манзарали-амалий санъат экспозициялари ана шу фикримиз далили бўла олади.

Узбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, Узбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан уч кун мобайнида давом этадиган ушбу фестиваль пайтида гўзал пойтахтимизнинг хар соҳаларда эришган ютуқлари намойиш этилади. Фестивалга танikli фольклор жамoалари ўз чиқишлари билан файз киритишади. Бир сўз билан айтганда унга таширф бўлган кишилар мустақиллик йилларидаги Тошкент шаҳар қурилишларининг лойиҳалари, Фанлар академиясининг илмий ишланмалари, «Усто» бирлашмаси аъзолари, халқ усталарининг ишлари тақдимотининг гувоҳи бўлишади. Бундан ташқари Узбекистон Миллий ахборот агентлиги фотоусталарининг Тошкент ҳақидаги ишлари, «Мусавири» маркази аъзолари, халқ усталарининг ишлари тақдимоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестициялар бош бошқармаси фаолияти, «Хунарманд» ассоциацияси аъзолари, халқ усталарининг ишлари тақдимоти, «Карвон» галереясининг ишлари, Бадий академия аъзолари, тошкентлик рассомларнинг ишлари тақдимоти гувоҳи бўлишади. Фестиваль экспозицияларида пойтахтнинг илгор халқ амалий санъати усталари, ҳайкалтарoш ва рассомлари, шунингдек, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг намуналари ҳам тақдим этилади.



Бектемир туманининг ер майдони 2050 гектарни ташкил этади.

Туманда 130 та саноат корхонаси жойлашган бўлиб, улар орасида «Ўзкейсмаш» ва «Соса Сола» қўшма корхоналари, «Нерудник» ҳиссадорлик жамияти, «Сувмаш» акциядорлик жамияти, «Ир-гидромаш» каби корхоналар асосий ўрин эгаллайди. Шу билан бирга туманда 66 та йирик, 35 та ўрта, 111 та кичик корхона, 234 микрофирма самарали фаолият юритиб келмоқда.

Туманда 5 та умумтаълим мактаби, 12 та мактабгача тарбия муассасаси бўлиб, уларда 6104 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. 1553 нафар тарбияланувчи камол топмоқда.

Туманда жойлашган 2 та кутубхона, 2 та маданият уйи ва 2 та мусика ва санъат мактаби аҳоли хизматиди.

Бугунги кунда туман аҳолисига машиий хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Чўнончи 11 та сартарoшхона, 2 та суратхона, 9 та пойфазал таъмирлаш, 6 та болалар компьютер ўйинлари, 29 та автомобиль таъмирлаш, 4 та соатсозлик, 3 та модалар ательеси, 2 та нусха кўчириш ва шу каби бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари хизматидан аҳоли мамнун.

Шунингдек, туманда 520 та хусусий тадбиркор, 38 та қўшма корхона, 5 та банк, 5 та жамoат ташкилоти, 156 та савдо дўкони ва 3 та бозор мавжуд.

Бектемир тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетиди махсус саҳифада танишасиз.

лаб тура олмади. Шиддатли беллашув эронлик спортчининг 7:5 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади.

Қолган вазнларда Амиран Элбакидзе (Грузия), Надирик Улан ўғли (Қирғизистон), Сергей Витковски ва Ҳажимурат Гатсалов (Россия)лар ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлари бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида Россия курашчилари биринчи, Эрон терма жамoаси иккинчи, Грузиялик полвонлар эса учинчи ўринларни эгаллашди. Ҳар иккала кураш тури бўйича биттадан олтин ва бронза, иккита кумуш нишонларни қўлга киритган ўзбекистонлик ёш полвонлар фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди.

Узбекистон Республикаси Президентиде, FIAнинг «Олтин Маржон»и соҳиби Ислом Каримовга қатнашчи ва ташкилотчилар номидан Халқаро кураш федерациясининг вице-президенти Михай Биро томонидан мувожаатнома йўлланди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: жаҳон чемпионатининг финал беллашувларидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

КУРАШ



Терма жамoамиз — кучлилар қаторида

Юсуповни 4:3, сўнг эса Палвиндер Чема эронлик Нурзайини 5:0 ҳисобида енди.

54 килограммгача вазндаги курашчимиз Дилшод Мансуров грузиялик Бесарион Гочашвили билан финал баҳсида тур-


нирдаги энг чиройли ғалабага эришди. Иккинчи бўлиб финалда беллашган курашчимиз — 63 килограммгача вазндаги Музаффар Абдурахмоновнинг грузиялик Шалва Музашвили билан учрашуви эса жуда кес-

кин кечди. Гарчи ҳисобни Музаффар очган бўлса-да, биринчи бўлиб 1:1 ҳисобида тугади. Беллашув охирида Шалва қўллаган усул грузинга 3:2 ҳисобидаги ғалабани келтирди ва у жаҳон чемпиони ун-

вонига сазовор бўлди. 97 килограммиллар ўртасида ҳаюртимиз Магомед Ибрагимов Эрон вакили Халегифарга қарши гиламга тушди. Бу гал ҳам юртдошимиз 2:0 ҳисобидаги очколарини сақ-

Душанба кўни беш кун давомида шаҳримизда катта муваффақият билан ўтган эркин ва юнонрум кураши бўйича ёшлар ўртасидаги IX жаҳон чемпионати баҳслари нихoясига етиб эркин кураш бўйича ҳам чемпионлар аниқланди.

Шунинг айтиш керакки, Хиндистон делегациясининг ватанина шошилинч жўнаб кетиши муносабати билан бу гал одатдагидан фарқли равишда эркин кураш бўйича финал баҳслари дастлаб 69 ва 130 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида ўтказилди. Натижада спорт ривожланиб бораётган ушбу Осиё давлати вакиллари дастлабки икки олтин нишонларни қўлга киритишди. Биринчи баҳсида Рамиш Кумар россиялик Ашет





БЕКТЕМИР ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Бу кундаги заманда инсоният учун энг улугъ неъмат ва мақсадлар тинчлик, ҳамжихатликдир. Дарҳақиқат, истиқлолга эришган Ватанимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик, тотувлик, ҳамжихатлик ва бағрикенглик халқимизнинг энг катта бойлиги. Бугунги кунда ҳуқуқий-демократик жамият сари тобора илдам оқимлаётган республикамизда нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли миллатлар ва динлар ўртасидаги дўстона муносабатларни таъминлашда ҳам давлатимиз етакчи ва асосий ислохотчи бўлаётганлигини ҳаёт тажрибаси яққол исботламоқда. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Шукурилло ҲИҚМАТОВ ана шу ва бу борада туман миқёсида олиб борилаётган ишлар хусусида ўз фикрларини куйидигача баён этди.

қаратилган ислохотларни давом эттириб келмоқдамиз. Бу ишларимиз натижаси ўлароқ йилдан йилга туман аҳолисининг яшаш шароити яхшиланиб бормоқда. Шу боис ҳам ҳар йили туман аҳоли улугъ байрамимизни янги-янги ютуқлар билан кутиб олмақда. Янги корхоналар ва йўллар қурилмоқда, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, замонавий йўловчи ташиш транспортлари ҳаракат қилмоқда. Буларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати... Бу йил ҳам туманимиздаги барча ташкилот ва ўқув даргоҳларида, кўча ва хиёбонларда мустақиллигимизнинг ўн йиллик шодиёнаси янада файзлироқ,

туманимиз салоҳиятини оширишда, балки республикамиз иқтисодиётининг юксалишида ўзига хос ўрин тутди. Хусусан, «Coca-Cola» Ўзбекистон — Америка, «ЎзСмата» Ўзбекистон — Словакия — Германия қўшма корхоналари, Қўйлиқ бозори чорраҳасида қад ростлаган замонавий кўприк, Чирчиқ дарёсида қурилган тўртта тўғон, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланадиган гольф клуб шулар жумласидандир.

— Бундай муваффақиятларга эришишда асосий эътибор нималарга қаратилди ва келгусидаги режалар қандай?

— Аввало туманимиздаги корхоналарнинг экспорт салоҳиятига алоҳида эътибор бериб, бўшма корхоналарнинг ривожланиши учун қўлай шароитлар яратиб берилганлигини айтиш мумкин. Шу сабаб ҳам туманимизда 38 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Кейинги режалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Чирчиқ дарёсида иккита тўғон қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориламоқда. Шунингдек, «Мажнунтол» маҳалласида замонавий тиббий маскан қуриб фойдаланишга топширилди.

«Она ва бола» Давлат дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ислохот қилиш ишлари ҳам кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Яна шу билан бирга «Иргидромаш» ва «Сувмаш» заводлари қошида қўшма корхоналар ташкил қилиш, германиялик ҳамкорлар билан пиво заводи ва Япониянинг «Сумитома корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда эркин ишлаб чиқариш ҳудуди қурилишлари режалаштирилган. Бу ҳудудда 60 га яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилиб, улардан 20-25 мингга яқин ишчи ўринлари очилди. Келажакдаги ана шу режаларимиз амалга ошса мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалишига муҳим ҳисса бўлади, деб ўйлаш мумкин ва яна бир бор халқимизни яқинлашиб келаётган улугъ айёмлари билан қизгин муборакбод этамиз.

Бағрикенглик — тараққиёт омили

— Бугун барчамиз орзуларимизга қанот бағишлаб, қалбларимизга қувонч ва ифтихор ёдларини сочиб турган истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида турибмиз. Шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда қанча-қанча ўзгариш ва янгиланишлар бўлмади дейсиз. Бу ўтган кунларнинг ҳар бири лаҳзаси тарихимиз зарварларидан жой олиши шубҳасиз. Биз бугун улугъ арафасида халқимиз томонидан амалга оширилган жаҳоншумул ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсакда оз. Шу асно вақти келганда бу имкониятлардан қанчалик фойдалана олдик ва мана шу ютуқларда қанчалик улушимиз борлиги ҳақида ҳам фикр юритишимиз зарур деб биламан.

— Шукурилло Ҳикматович, истиқлолимизнинг ўн йиллик шодиёнасини туман аҳоли қандай ютуқлар билан қарши олмақда?

— Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эркинлаштириш, иқтисодиётда барқарорлик ва унинг ўсишини мунтазам таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга

ўзгача бир қўринишда ўтказилди. Бунинг учун эса керакли зарурий чоралар ҳозирдан қўриб бориламоқда.

Шу билан бирга маъмур йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан шугулланувчи ташкилотлар томонидан 16 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич яқин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,7 фоизга тенг бўлди. Шунингдек кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқарган маҳсулотлари 1,225 миллион сўмга ёки 165,6 фоизга тенг бўлди. Умумий тўлов тушумлари эса 3,915 миллион сўмлик, яъни режанинг 101,5 фоизини ташкил этди.

Дарҳақиқат, Мустақиллик йиллари мобайнида туманимизда бир нечта қўшма корхона ва йирик ишоотлар қад ростлади. Бу ишоотларнинг барпо этилиши нафақат

сида иккита тўғон қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориламоқда. Шунингдек, «Мажнунтол» маҳалласида замонавий тиббий маскан қуриб фойдаланишга топширилди.

«Она ва бола» Давлат дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ислохот қилиш ишлари ҳам кенг миқёсда давом эттирилмоқда. Яна шу билан бирга «Иргидромаш» ва «Сувмаш» заводлари қошида қўшма корхоналар ташкил қилиш, германиялик ҳамкорлар билан пиво заводи ва Япониянинг «Сумитома корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда эркин ишлаб чиқариш ҳудуди қурилишлари режалаштирилган. Бу ҳудудда 60 га яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилиб, улардан 20-25 мингга яқин ишчи ўринлари очилди. Келажакдаги ана шу режаларимиз амалга ошса мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалишига муҳим ҳисса бўлади, деб ўйлаш мумкин ва яна бир бор халқимизни яқинлашиб келаётган улугъ айёмлари билан қизгин муборакбод этамиз.

ҚУРИЛИШ

Сув ҳавзалари, анҳорлар, ариқлар пойтахтимиз ҳудудидан мунтазам оқиб ўтиб унинг табиатига, иқлимга, қолаверса об-ҳавосига ўз ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Бу ўринда шахримизнинг Бектемир тумани ҳудудидан оқиб ўтаётган Чирчиқ дарёсининг ҳам аҳамияти каттадир. Шу кунгача Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳомийлигида ушбу дарёда 3 та тўғон барпо этилди.

Чирчиқ дарёси кўркамлашади

Шу кунларда юқорида қайд қилинган ташкилотларнинг қўмағи остида маъмур дарёда туртинчи тўғон ҳам қуриб битказилиши арафасида. Тўғон қурилишида республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига қарашли 19-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси буюртмачи сифатида иштирок этмоқда. Асосий қурилиш ишларини эса «Паркентсув-қурилиш» трестининг 1, 2, 3, 4 ва 5-кўчма механизациялашган колоннаси ишчи-хизматчилари олиб бормоқда.

— Бу тўғонларнинг қурилиши шаҳар иқлимини меъёрида сақлаб туришда жуда катта аҳамиятга эгадир, — деди Бектемир туман ҳокимининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Аҳмаджон Расулхўҷев. — Сувнинг мунтазам оқиб туриши натижасида ҳар йили Чирчиқ дарёси энгача бир неча метргача кенгайиб бормоқда. Шу туфайли унинг қирғоғида жойлашган айрим ишоотларга а лутур етаётган эди. Агарда Оҳангарон ва Фарғона йўли кўчаларига бўлган 6 километрик масофага қўшма тўғон 5 та тўғон режадагидек энгача 160 метр қилиб қурилса, дарёнинг икки қирғоғида 15 гектар ер майдони очилди. Бу ерларга боғлар ёки турли ишоотлар барпо этишимиз мумкин бўлади.


Шунингдек, тўғонларнинг қурилиши натижасида Чирчиқ дарёсининг қўриниши ҳам кўркамлашади. Мустақиллигимизнинг 10 йиллик шодиёнасида ушбу тўғонни қуриб битказиш режасидамиз. Биз режа бўйича ушбу дарё бўйлаб етита тўғон қурдиришни мўлжаллашамиз. Қолган тўғонларни ҳам қуришни шу асосида давом эттиравемиз.

Қадриятлар ўчоғи

Бектемир туманида ўн иккита маҳалла бўлиб, уларда 8858 та оила истиқомат қилади ва ўттиздан ортик миллат вакиллари аҳил-инок бўлиб яшайди. 16 ёшгача бўлган болалар сони 11201 нафарни ташкил қилиб, маҳалларда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган.

Тумандаги Абай маҳалласида ҳам 30 дан ортик миллат вакиллари тинч-тотув яшаб, маҳалланинг янада гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Айниқса маҳаллада ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилгани таҳсинга сазовордир. Шунингдек, бу ерда спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Маҳаллада жойлашган футбол, волейбол, теннис ўйингоҳларида спортга қизиқувчан ёшлар мунтазам шугулланиб, ўз маҳоратларини ошириб боради. Шу сабаб ҳам «Биз — «Пахтакор» келажатимиз» шиори остида шахримизда бўлиб ўтган футбол мусобақасида «Абай» маҳалла командаси 4-ўринни эгаллади. Шу билан бирга маҳаллада ташкил этилган шахмат-шашка клубида ҳам 100 нафардан ортик йилит-қизлар шугулланишади.

— Маҳалламизда яшовчилар асосан яқка тартибдаги хонадонларда яшайди. Шу сабаб ҳам уларга ариқ суви керак. Чунки ҳар бирининг ўзига яраша экин экишга ҳовлисида ери бор. Шуларни инobatта олиб ўтган йили ҳар бир хонадонга борадиган ариқ қазиб сув олиб келидик, — деди маҳалла оқсоқоли Мамадали Султонов. — Маҳалламиз қанчалик обод бўлса, кўнглимиз шунча шод бўлади. Шу жиҳатдан маҳалламиз ҳудудида қаровсиз ётган икки гектар ер майдонини ўтган йилдан бошлаб бог қилишга киришиб кетдик. Бу ернинг ярмига турли мевали дарахтлар экидик, текисладик, сув келтирдик. Зеро, эртанги авлод биздан рози бўлсин. Албатта, маҳаллада яшовчи ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳамisha бизнинг эътиборимизда бўлади. Дарҳақиқат, давлатимиз маҳаллаларга катта ишонч билдириб, шундай масъулиятли вазифаларни топширган экан, бу ишларда биз ҳамма-қаттиб жонбозлик кўрсатамиз.



Астробод гузари маркази дарҳақиқат туман маҳалла ҳаракатига ва унинг ривожланишига катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда бу маскан маърифий ва тарбиявий билим ўчоғи бўлиб қолди, десак хато бўлмайди. Туман ҳокимлигининг маҳалла ҳаракати ривожига ҳар томонлама ёрдами бекиёб бўлмоқда. Айниқса маъмур даргоҳда бўлиб ўтаётган маросим ва учрашувлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, улар қалбда ватанпарварлик, эл-юртга, ота-онани содиқлик туйғуларини уйғотмоқда.

СУРАТЛАРДА: маҳалла фаоллари ўзаро фикр алмашмоқда; Астробод гузари қўриниши. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Қўйлиқ ота ким бўлган?

Пойтахтимиз Тошкентнинг энг катта даҳаларидан бири — Қўйлиқнинг нима учун бу номга аталишини кўп кишилар билмас керак. Қўшма тарихнинг гувоҳлик беришича, бу жой Фарғона — Шош иппак йўлининг Поррак (Чирчиқ) дарёсидан ўтиш ери бўлиб, кўприк қурилгунга қадар қарвонлар кечикдан ва сол орқали ўтганлар. 1520-1522 (ҳижрий 927-929) йилларда Тошкент ҳокими Келдимуҳаммад Чирчиқ дарёсига ёғоч ва арқонлардан осма кўприк қурдирган экан. XIX аср бошларида эса темирдан кўприк бино этилган. Ривоятларга қараганда, қадим Чирчиқ водийсининг бу кўприги атрофидаги ўтлоқларда деярли ҳамма қўй боқаркан. Тижоратчилар шаҳар атрофидаги бошқа бозорлардан келиб шу жойдаги бозорда қўйларни арзонга сотиб олишаркан. Шундан одамлар бу жойни «Қўйлиқ жой», «Қўйлиқ бозор» дея номлаб юборишган экан.

Тошкентнинг Кўқон дарвозасидан бошланган Фарғона йўли қўшаси Қўйлиқдаги кўприккача бориб тақалган. Қадимда кўприкнинг иккала томонида қарвонсарой, чойхона, ошхона ва турли-туман савдо дўконлари мавжуд бўлган. Тошкентликлар сайру савҳат қилиш учун ёй оларни ўртасарой, Тўйтепа ва Улкантўйтепа (қадимги номи Нуҳат)га борганлар. У пайтлар от, эшак аравалардан бўлак транспорт воситаси бўлмаганлиги туфайли Қўйлиқдаги қарвонсаройларда тунарканлар.

Хўш, унда Қўйлиқ ота ким?

Қўйлиқ ота — Ҳофиз шайх Қўйлиқий бўлиб, самарқандлик ҳазрати Нуғай ота авлодларидан, яъни азиз шайхлар сулоласидандир. У киши амир Имомқули Баҳодирхон даврида Самарқандда аълам (имомларнинг имоми) бўлган олим шайхнинг она томонидан Тошкентдаги бобоси эдилар. Онани қадимги Бонукент (Нуғайқишлоқ, ҳозирги Ўзғариш) қишлоғига келиб бўлиб тушганлар, ислом дини илмидан анча хабардор бўлганликла-

ри учун шарият қонун-қоидалари ва Қуръони қаримдан аёллар ўртасида тушунтиришлар олиб борувчи машҳур отин бўлиб танилганлар. Шу билан бирга қишлоқ ободончилиги ва ҳимояси борасида ҳам улкан ҳиссалари бўлган. Ўз ҳисобларидан масжид қурдирганлар, ёшларни уйларида ўқитганлар.

Балким, қишлоқнинг қадимги номи отиний исми билан боғлиқ бўлса керак.

Оталари, оналари ва Нуғайқўрғон (ҳозирги Чилонзор туманидаги ал-Хоразий мавзеси)даги боболаридан тасавуфий султони Ҳожа Аҳмад Ясавий тарихига оид «Жаҳрийий Ясавий»ни ўрганган Ҳофиз шайх Қўйлиқдаги масжидда имомлик қилиш билан бирга ўзи қурдирган хонақоҳда зикр тушиш, иймон ва эътиқоғда оид мавзуларда суҳбатлар ўтказиш билан бирга машаққатлар ва ҳофизлар иштирокида Қуръон оятларини ҳамда Аҳмад Ясавий ҳикоятларини қуйғаб солиб, қўшиқ айтаётганлар. Айниқса, Қўйлиқда кўчиб келганларидан сўнг одамларга зикри жаҳрия (Аллоҳ номини баланд овоз чиқариб айтиб, зикр тушиши) билан бирга Қуръон оятларини юзакки тавсиф, яъни нотўғри талқин этувчиларга нисбатан оид-

лона тушунтириш учун рисодалар ёзиб, чорӣёрлар улугълигини далил ва исботлар билан талқин этганлар. Ана шундай сиқидилдан қилган хизматлари эвазига одамлар ул зотни Ҳофиз Шайх Қўйлиқий дея атай бошлашган. Уларни ҳам ёзган рисодаларига юқоридаги исм-шарифда имзо чекканлар.

Қўйлиқ ота вафот этганларидан кейин тахминан ҳижрий 893 (миллий 1475) йили ҳозирги Қўйлиқ бозори ёнидаги даҳмага дафн этилганлар. Ҳозирги янги мақbara 1994 йилда махсус лойиҳа асосида қурилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзи бир тарихчилар Ҳофиз Қўйлиқий билан тошкентлик Ҳофиз Қўшқайни бир одам деб тушутирганлар. Бу нотўғри. Ҳофиз Қўшқай Тошкандий Қўйлиқда яшамаган, ҳозирги Собир Раҳимов туманидаги «Ҳофиз Қўшқай» маҳалласида яшаган. У асли машҳур олим Али Қўшчининг набираси, паркенглик мавлоно Камолидиннинг ўғли эди. Ҳофиз Қўйлиқий ҳам, Ҳофиз Қўшқайий ҳам бир даврда яшаб, мударрислик қилган ва рисодалар ёзганлар.

Саҳифани Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Бурч масъулияти

Барчамизга маълумки, республикамизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил бўлганлигига кўп бўлмасда шу қисқа давр мобайнида ташкилот олиб борган ишлар таҳсинга сазовор. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, ҳар жабҳада яқиндан ёрдам бериб келаётганлиги қувонарли. Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими раиси Илҳом Алимовдан туманда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб беришни сўрадик.

— Ўзбекистон — келажак буюк давлат. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бир ёш йилит-қиз бу ширнинг том маъносини, яъни Ўзбекистон келажакини чуқур англаб етган. Демакки, мамлакатимиз келажак буюклигининг асосий пойдевори ҳам биз ёшларимиз.

Мамлакатимиз ёшларига давлатимиз томонидан ҳар жабҳада кенг эътибор берилаётганининг туб моҳияти ҳам шунда. Биз ёшлар бундай имкониятдан фойдаланиб, ўзимизга бўлган ишончини тўла-тўқис оқлашни Ватан олдидаги ягона бурчимиз деб биламиз.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида бизнинг туманимизда ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташкил топди. Бизларнинг асосий мақсадимиз — ёшларни бирлаштириш, соелом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмақлашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йилит-қизларнинг ўз ақд-заковати, куч-гайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир.

Бизнинг асосимизни туманимиздаги 5 та мактаб ва 15 та йирик корхоналардан аъзо бўлган 6119 та фидоий ёшларимиз ташкил этади. Буларнинг ҳаммасида бошланғич ташкилотлар тузилган ва етакчилари сайланган.

Туманимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тасарруфида Болалар ташкилоти тузилган ва мақсад-вазифалари белгилан қўйилган. Ҳозирги кунда ёшларимиз муаммолари ўрганиб чиқилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ёшлар муаммосини бартараф этишда туман миқёсида ишлар олиб бориламоқда.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан Истиқлол ғояларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш мақсадида шахримиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, истиқлол йиллари қад кўтарган қадамжолар билан ёшларни яқиндан таништириш мақсадида саёхатлар ташкил этиш, мактабларда истиқлол мавзусида ҳар хил тадбирлар, викториналар уюштириш сингари тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Хуллас, ниятлар қўп. Биз Бектемир тумани камолотчилари олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни албатта орғини билан бажарамиз.



Гольф клубга марҳамат

Мустақилликдан кейин мамлакатимизга бир қатор янги спорт турлари қатори моҳияти жуда жозибали ва бетакрор гольф ҳам кириб келди. Ҳамюртларимиз учун илгарилари фақат ойна жаҳон орқали томоша қилиш мумкин бўлган маъмур кизқарлик спорт тури билан шугулланиш имконияти ҳам туғилди.

Шуни айтиш керакки, Тошкент гольф клуби Бектемир туманига чирой бахш этувчи бебаҳо зийнатдир. Кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларидан сўнг 1998 йили «Роҳат» қўли бўйида Марказий Осиёда ягона ва МДХ мам-



лакатлари ичра туртинчи Тошкент гольф клубининг фаолият бошлаши юртимизда янги спорт турининг кенг қулоч ёзишига имкон яратди. Хушманзара кўл бўйида, теп-текис қирқилган яшил чимзор узра 108 гектар ҳудуд-

